



ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИДА ТАЛАБАЛАР ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИГИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

¹Қиржигитов Тўйчи Рашидович,

²Холмуродов Тўлқин Эргашевич,

³Ғаниев Акмал Абдурайимович

Бахмал тумани №2 сон касб-ҳунар мактаби “Таълим усталари”.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7540430>

ARTICLE INFO

Received: 07th January 2023

Accepted: 15th January 2023

Online: 16th January 2023

KEY WORDS

Илмий, техникавий,
ижодкорлик, жараён,
методик, тизим, психологик,
хусусият.

ABSTRACT


Мақолада асосан ўқувчиларни тўғараларга жалб қилишда ижодкорликнинг илмий – техникавий, ижодкорлик жараёни – методик тизим бўлиб, унда ўргатувчи ва ўрганувчилар ўзаро боғлиқ муносабатлари ҳақида сўз юритилади.

Талабаларнинг илмий – техникавий ижодкорлик фаолиятга ижобий муносабати (эҳтиёжи)ни шакллантириши бугунги кунда педагогика тизими олдида турган муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ана шундай муносабатларсиз замонавий билим ва амалий кўникмаларни чуқур ва мустаҳкам ўрганишни тасаввур қилиш қийин.

Олдин таъкидланганидек, илмий – техникавий ижодкорлик жараёни – методик тизим бўлиб, унда ўргатувчи ва ўрганувчилар ўзаро боғлиқ муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам бу фаолиятининг самараси асосан иккала томон (раҳбар ва талаба)нинг ҳам баравар мақсадга йўналтирилган онгли ва фаол ижодкорлик ишларига боғлиқ бўлади. Илмий раҳбарга илмий-техникавий ижодкорлик фаолияти жараёнини тўғри илмий асосда ташкил этиши учун фақат тегишли фанлар асослари назариясидан ва уларни ўқитиш методикаларидан яхши билимлар зарур бўлибгина қолмасдан, техник ижодкорлик жараёни ва билимларни ўзлаштиришнинг умумий психологик хусусиятлари (малака ва кўникмаларини шакллантиришни, фикрлашни ўстиришни) ҳам билиши зарур.



Бу психологик хусусиятларга қуйидагилар киради (1-шакл).



1- шакл. Шахс психологик ривожланиш хусусиятлари.

ТИТИ фаолиятини ташкил этувчи раҳбар шахс психологик ривожланишининг замонавий концепциясини яхши билиши муҳим аҳамиятга эга. Баъзи хорижий психологлар ижодкорликнинг вазифаси инсоннинг туғма «феъл-атворини» аниқлашдан ҳамда уни кучайтиришдан иборат деб ҳисоблайдилар ва ижодкорликка тарбиялашни улар шахснинг стихияли ривожланиши кетидан борувчи пассив жараён деб қарайдилар.

Бошқа психологлар эса, хусусан Ковалев А. Г. ижодкор шахснинг психологик хусусияти ҳақида уни муҳит (кенг маънода) ҳамда ўқитиш, ўргатиш ва тарбия таъсирининг маҳсулотидан иборат деб ҳисоблайди ва инсоннинг психологик хусусиятлари кўп жихатдан ҳаёт вақтида шаклланишини тан олишга асосланади. Уларнинг шаклланиши ва ривожланишида ҳал қилувчи ролни бошқарувчи (раҳбар), унинг тажрибаси ва фаолият шароитлари ўйнайди деб таъкидлаб, ижодкор шахснинг ривожланишида махсус ролни «**Жамият талабларига жавоб берадиган шахснинг маълум сифатларини шакллантириш мақсадида катта авлоднинг кичик авлодга онгли, мақсад сари йўналтирилган таъсир жараёни сифатидаги ўқитиш ва тарбия ўйнайди**» деб изоҳлайди.

Собиқ совет психологиясининг асосчиси Л.С.Вготский, ижодкорликда ўқитиш ва тарбиянинг бошқарувчи ролини биринчи бўлиб илгари сурган, унингча: «**Ўқитиш ривожланишдан олдин боради ва уни ўзининг кетидан олиб боради. Ўқитмасдан туриб тўлиқ ривожланиш бўлиши мумкин эмас**». ТИТИ фаолиятида шахс ақлий ривожланишининг мезони сифатида психологлар қуйидагиларни эътироф этадилар:

- 1) Материалларни ўзлаштириш тезлиги ёки қабул қилиш суръати;
- 2) Мулоҳазалар сони билан аниқланадиган фикрлашнинг сиқиклиги, булар асосида талабалар ўзларига янги қонуниятларни ажратиш оладилар;
- 3) аналитик – синтетик фаолиятнинг даражаси;



4) бир объектни ўрганиш асосида бошқа объектда шакллантирилган ақлий фаолиятни шакллантириш усуллари;

5) олинган билимларни мустақил тизимлаштириши ва умумлаштиришни билиш.

ТИТИ фаолиятида ишни ташкиллаштиришнинг ўзига хос психологик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Бу биринчи психологик хусусият аввало ижодкорлик масаласини мазмуни билан аниқланилади. Ижодкорлик объектига кириб бориш талабалардан абстрактлаш, идеал моделларни қуриш, бир кўринишдаги абстрактлашдан бошқасига ўтишни амалга ошириш ва бошқа шу сингари ҳаёлий операцияларни бажаришни талаб этади. Буларнинг барчаси ижодий фикрлашни характерлайди.

ТИТИ фаолияти жараёнининг **иккинчи ўзига хос психологик хусусияти** кўйидагилардан иборат: ИТИ жараёнида ўқитиш жараёнидагига нисбатан кўпроқ моделлар, натурал кўргазмалар қурилмалар ва турли кўринишдаги белгилар (формула, график) дан ҳам фойдаланилади ва талабалардан белгили тасвир, ишчи ғоялардан реал ечим ва объектларга (кўз олдида келтириш) ва баъзан эса аксинча – реал объектларни идрок қилишдан идеал моделларни тузишга ва уларнинг белгили тасвирларига ўтишни амалга ошириш талаб этилади.

ТИТИ фаолияти жараёнининг **учинчи ўзига хос хусусияти** унинг тажрибалар, синовлар, текширишлар қилиб кўришдан фойдаланиш.

References:

1. Разумовский В.Г. Некоторое тенденций изменения преподавание физики в Великобритании-физика в школе, 1975, № 2
2. Ковалев А.Г. Психология личности-Москва, Просвещение, 1970, 268 бет.
3. Тоғаев Х., Алқаров Қ., Исмоилов Т. Олий таълим тизимида сифатли мутахассислар тайёрлашнинг истиқболлари. Халқаро илмий-амалий к-я тўплами. Сам.иқтисодиёт ап сервис институти 2008 й.
4. Тоғаев Х., Алқаров Қ. Ўқувчилар амалий кўникмаларини шакллантиришнинг операцион-фаолияти итегратсияси. Шу тупл. 19-декабр 2008 й.